

Миср Рамазонга тайёрланмоқда



14:07 / 06.01.2022 1565

Миср Вақф вазирлиги Рамазон ойида Қуръон қориларини хорижга жўнатиш учун танлов ўтказилишини маълум қилган. Бу ҳақда Ал-Йум ал-Саба нашри хабар берди.

Танловда имом-хатиблар, таниқли нотиклар, диний маросимлар ташкилотчилари ва муаззинлар, диний марказлар ходимлари, бир қатор бирлашма аъзолари ҳамда радио ва телевидение ходимлари иштирок этади.

Дастлабки имтиҳонлар ҳудудий бўлинмаларда, якуний имтиҳонлар эса Вазирлик Бош бошқармасида ўтказилади. Шунингдек, тегишли бошқармалар ҳам мазкур танлов ҳақида хабар бериш ва тарғиб қилиш учун масъулдирлар.

Хуршид Маъруф